

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ШИН ЕКАТЕРИНА ИЛЛАРИОНОВНА**

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ФУНКЦИОНАЛ СПОРТ  
КИЙИМЛАРИНИ ЭРГНОМИК ЛОЙИХАЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам  
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Шин Екатерина Илларионовна**

Мактаб ўқувчилари учун функционал спорт кийимларини  
эргономик лойихалашнинг методологик асослари..... 3

**Шин Екатерина Илларионовна**

Методологические основы эргономического проектирования  
функциональной спортивной одежды для школьников ..... 21

**Shin Ekaterina**

Methodological basis of ergonomic design of functional sport wear for  
school children ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 43

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.08.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**ШИН ЕКАТЕРИНА ИЛЛАРИОНОВНА**

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ФУНКЦИОНАЛ СПОРТ  
КИЙИМЛАРИНИ ЭРГНОМИК ЛОЙИХАЛАШНИНГ МЕТОДОЛОГИК  
АСОСЛАРИ**

**05.06.04-Тикувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T117 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифада [www.titli.uz](http://www.titli.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нигматова Фотима Усмановна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Алимова Халима Алимовна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Арипжанова Дилафруз Уктамовна**  
техника фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология  
институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.08.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 й 28 август соат 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [titli\\_info@edu.uz](mailto:titli_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).

Диссертацияси иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил 25 июл куни тарқатилди.  
(2018 йил 25 июлдаги 43-рақамли реестр баённомаси).

**Қ.Ж.Жуманиязов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.З.Маматов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**С.А.Ҳамроева**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси ўринбосари, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациянинг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда тикувчилик материалларини ишлаб чиқаришга янги технологияларни қўллаш орқали уларнинг сифатини ошириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунё миқёсида 17 млн. тоннадан кўп трикотаж полотноси ишлаб чиқарилиб, бутун тўқимачилик бозорининг 1/3 қисмини ташкил этади. Тўқимачилик саноати Шарқий Осиё, Жанубий Осиё, МДХ, АҚШ ва Европа минтақасидаги давлатларда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, рационал таркибли аралаш толали материалларни яратиш асосида уларнинг ассортиментини кенгайтириш, маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш масалаларини комплекс ҳал этиш энгил саноати ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон илмий амалиётида табиий ва сунъий толалар аралашмасидан тайёр саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, янги техника ва технологияларни такомиллаштириш бўйича амалга оширалаётган йўналишларда тегиши ечимларни илмий асослаш, хусусан маҳаллий хомашё ресурсларини қайта ишлашга асосланиб юқори қўшимча қийматли тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни назарий таҳлил қилиш, илмий ёндашув асосида янги структурали аралаш толали материаллар яратиш ва факторларни таъсирини аниқлаш, мақбул шароитларни ишлаб чиқиш, аралаш трикотаж полотноси ассортименти кенгайтириш, уларнинг физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлаш, ўзгариш қонуниятларини ишлаб чиқиш зарур.

Республикамизда энгил саноат маҳсулотлари сифатини, рақобатбардошлигини яхшилашга, хомашёни тайёр маҳсулот ҳолатигача комплекс қайта ишлашга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...»<sup>2</sup> вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани амалга ошириш, жумладан “инсон-кийим-ташқи муҳит” тизимини комплекс таҳлили тамойилларига асосланган эргономик лойиҳалашнинг прогрессив усулларини ишлаб чиқиш, пахта-нитрон полотноларидан турли функционал вазифали катталар ва болалар кийими яратиш, шу жумладан спорт билан шуғулланишга мўлжалланган буюмлар ассортиментларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup><http://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон «2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ва 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон «Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диссертация иши йўналишидаги адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, илгари ўтказилган тадқиқотларда кўп функцияли кийимни лойихалашга тизимли ёндошувнинг методик асослари; буюмни “инсон-кийим-ташқи муҳит” тизимида хизмат қилиш шароитларига мувофиқлик мезонлари ва омиллари классификациясини ўрнатиш; кийим конструкцияси эргономикасининг умумий принципларини таъминлаш; эргономик мезонлар бўйича кийим сифати параметрларини баҳолашнинг методи ва техник қурилмаларини ишлаб чиқариш етарли даражада асосланган эмас. Кўрсатилган масалалар кўзга кўринган чет эллик ва ватанимиз олимлари ва мутахассисларининг ишларида: А.Антонен, В.Гивони, D.R.Burton, V.T.Bartels, Каёко Ханада, И.Ю.Бринк, Б.А.Бузов, Е.Б.Коблякова, А.И.Комиссаров, Г.П.Старкова, Г.П.Бескоровайна, Е.Я.Сурженко, Х.Х.Камилова, Ф.У.Нигматова ва бошқаларнинг ишларида ўз аксини топган.

Болалар кийими базали конструктив асосларини куриш ва моделлаштириш усулларини такомиллаштириш, ассортиментини рационал таркибини аниқлаш, кийимнинг морфологик трансформацияси, конструктив қўшимчаларни асослаш ва оптималлаш, кийимни хизмат муддатини ошириш каби йўналишлар Ж.А.Юсупова, Л.И.Шамухитдинова, Ю.А.Мацеевская, Л.В.Ларькина, Н.Ю.Суконцева, Б.П.Куликов, И.Л.Лукашева, С.В.Куренова ва бошқаларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган.

Лекин мактаб ўқувчилари кийимини эргономик лойихалашнинг назарий асослари бугунги кунда етарлича ишлаб чиқилмаган ва афсуски, мураккаб ва ечилмаган муаммолигича қолмоқда. Кийимларни лойихалашнинг, айниқса, болалар организмнинг физиологик ўзгаришларига мосланган спорт кийимларининг ушбу муаммоси уларнинг юқори гигиеник (иссиқлик сақлаш, нам ўтказувчанлик) хоссаларини таъминлаш учун янада чуруқлашади. Шу сабабли мактаб болалари учун маҳаллий хомашё базасида юқори гигиеник хусусиятли аралашмали тўқимачилик материалларидан мактаб болаларининг спорт кийимини эргономик лойихалашни методик асосларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш зарурияти туғилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация

тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-14-004 «Тикув махсулотларини интеллектуал лойиҳалаш системасини яратишнинг принциплари ва методларини ишлаб чиқиш давлат илмий-техника лойиҳаси» (2006-2009), № И-6/2012 «Умумий вазифали спорт кийимлари ва спорт турлари бўйича кийим намуналари» (2014) мавзусидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** кичик мактаб ёшидаги болаларнинг физиологик хусусиятлари, ҳаракатлар биомеханикаси ва ташқи муҳит омилларини назарга олиб иссиқлик сақлаш хоссали болалар спорт кийимини эргономик лойиҳалаш асосларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқоднинг вазифалари:**

антропометрик, гигиеник, психофизик талаблар ва ташқи муҳит омилларини “бола-кийим-ташқи муҳит” тизимиға мувофиқ равишда комплекс ҳисобға олиб мактаб спорт кийимини эргономик лойиҳалаш заруриятини асослаш;

кийимнинг иссиқлик сақлаш хусусиятини моделлаштириш асосида иссиқсақловчи мактаб спорт кийимининг материал пакети қалинлигини ҳисоблаш ва кетма-кетлик усулини ишлаб чиқиш;

турли ўрилишдаги пахта-нитрон трикотаж матонинг иссиқликни ушлаш хусусиятини ўрганиш методикасини яратиб, тажрибавий тадқиқот ўтказиш ва иссиқлик ушланувчанликни сонли баҳолаш;

болалар ва ўсмирлар танаси асосий антропометрик белгиларининг ёшға боғлиқ динамикасини математик дастурлар ёрдамида аналитик аниқлаш;

трикотаж мато намуналари учун намлик сиғимини (тер ютилишини) аниқлашда намликнинг абсолют ва нисбий оғирликлари бўйича тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш методикаси ва қурилмасини ишлаб чиқиш;

махсулотнинг ҳаёт даври элементларини назарга олувчи ёш динамикасиға қўшимчани ҳисоблаш усулини такомиллаштириш;

спорт кийими комплекти рационал базали конструкциясини қуришда автоматлашган лойиҳалаш усулини қўллаш ва эргономик кўрсаткичлар бўйича унинг сифатини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида кичик мактаб ёшидаги болалар учун юқори гигиеник хусусиятли спорт кийими олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** “бола-кийим-ташқи муҳит” тизимиға мос комплекс талабларни ҳисобға олувчи мактаб болалар кийимини эргономик лойиҳалаш методологияси ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида функционал кийимларни тизимли ва автоматлашган лойиҳалаш методологиясидан, физик-механик хусусиятларини тажрибавий баҳолаш, математик моделлаш ва математик-статистик ишлов бериш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

спорт кийимининг ҳаёт даври босқичларини назарга олиб, кийим ёш динамикасиға конструктив қўшимчани ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

тажриба натижаларига сплайн-аппроксимация усули ёрдамида ишлов бериб, болалар ва ўсмирлар танаси асосий антропологик белгиларининг ёшга боғлиқ динамикаси олинган;

инсоннинг физиологик кўрсаткичларига мос (иссиқлик оқими, тана ҳарорати) материалларнинг теплофизик хоссалари ва иссиқлик алмашинуви шартларига кўра аниқланувчи ҳарорат қаршилиги эквивалентлигига асосланган трикотаж матони зарур қалинлигини ҳисоблаш алгоритми ва усули ишлаб чиқилган;

илк марта таклиф қилинган иссиқликни ушлаш коэффициентлари билан баҳоланадиган трикотаж матоларида иссиқликни ушлаш хусусиятини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

турли ўрилишли ва зичликдаги пахта-нитронли трикотаж матоларида тер ютиш кинетикасини аниқлаш қурилмаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кийимларни лойиҳалаш соҳасидаги маълум ишланмалар билан биргаликда рационал лойиҳалашнинг ягона ва кўп даражали тизими ишлашини таъминлайдиган болалар спорт кийимини эргономик лойиҳалаш жараёнининг методик, ахборот ва техник таъминоти компонентлари ишлаб чиқилган;

пахта-нитронли трикотаж матоларининг тер ютиш ва иссиқликни ушлаш хусусиятларини аниқлашнинг усули ишлаб чиқилган;

мактаб болалари спорт кийимини эргономик лойиҳалашда ёш динамикасига қўшимчани ҳисоблашнинг янги усули асосланган;

юқори гигиеник хусусиятли болалар спорт кийими базали асосини ва модель конструкция чизмаларини автоматик режимда қуриш учун GEMINI дастурий комплекси таклиф этилган;

кичик мактаб ёшидаги болалар учун юқори гигиеник хусусиятли пахта-нитронли трикотаж матодан спорт кийим комплекти ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги физик ходисаларни моделлаштиришнинг асосий жараёнларини қўллаш, математик моделларни тўғрилиги ва кўрилаётган предмет соҳасидаги маълум боҳолаш мезонларига уларни мос келиши, олинган натижалар амалиётда қўлланиши ва уларни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ижобий баҳоланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болалар ва ўсмирлар танаси асосий антропометрик ўлчамларини ёшга боғлиқ динамикасининг математик боғланиши, ёш динамикасига рационал қўшимчани ҳисоблашга ва пахта-нитронли трикотаж мато қалинлигини аниқлашга оид аналитик ифодалар, буюмларни иқлимий қулайлиги ва иссиқлик сақловчанлигини асосли баҳолаш олинганлиги билан изоҳланади.

Ўтказилган тадқиқотнинг амалий аҳамияти маркетинг тадқиқотлари базасида мактаб болалари ёш гуруҳи асосли танланган ва мактаб ўқувчилари ҳамда ота-оналарнинг эҳтиёжлари аниқланганлиги, мактаб болалари иссиқсақловчан спорт кийимларини лойиҳалашда материал пакетини зарурий қалинлигини ҳисоблаш методикаси ва алгоритми ишлаб чиқилганлиги, юқори



гигиеник хусусиятли кийимларни тайёрлаш учун мўлжалланган пахта-нитронли трикотаж матоларининг намликни ушлаш хусусиятлари аниқланганлиги, ёшга боғлиқ динамикага қўшимчани ҳисоблаш методикаси такомиллаштирилганлиги, автоматик режимда болалар спорт кийими эргономик конструкциясини куриш учун дастурий маҳсулот қўлланганлиги ва кичик ёшдаги мактаб болалари учун спорт кийими комплекти ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Кичик мактаб ёшидаги болалар учун иссиқлик сақловчи ва намлик ўтказувчи хусусиятга эга бўлган спорт кийимини эргономик лойиҳалаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар спорт кийимининг янги намунасига Интеллектуал мулк агентлигининг саноат намунаси учун патент олинган (“Ўғил болалар учун функционал вазифали спорт кийими комплекти”, №SAP 01388-2015й.). Натижада кичик мактаб ёшидаги болалар учун гигиеник хусусиятга эга бўлган спорт кийим билан таъминлаш имконини берган;

GEMINI дастурий тўплам ёрдамида кийимларни автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими базаси асосида трикотаж полотносидан болалар спорт кийимини лойиҳалаш жараёни алгоритми ва маълумотли мантиқий тузилмаси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарда, хусусан “LYUKS PLUS SERVIS” МЧЖда жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 13 июндаги БМ-06-4061-сон маълумотномаси). Натижада ёш болада статика ва динамикага мос қоматда яхши жойлашиш кўрсаткичларини инобатга олиш имконини берган;

ўғил болалар учун функционал мўлжалдаги спорт кийими комплекти базавий конструкцияси «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарда, хусусан “LYUKS PLUS SERVIS” МЧЖда жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2018 йил 13 июндаги БМ-06-4061-сон маълумотномаси). Натижада эргономик жиҳатдан қулайроқ импорт маҳсулоти ўрнини боса оладиган ва қишки-кузги мавсумда кийиш мумкин бўлган болалар спорт кийими яратиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий ҳолатлари ва натижалари илмий-техника конференцияларида, шунингдек, 6 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 36 та илмий ишлар чоп этилди, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, улардан 9 таси республика ва 2 та чет эл журналларида нашр этилган ҳамда саноат намунасига 1 та патент олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусини долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Юқори гигиеник хусусиятли болалар спорт кийимини эргономик лойиҳалашнинг замонавий аспекти таҳлили”** деб номланган биринчи бобда функционал вазифали кийимларни лойиҳалашнинг назарияси ва амалиётини такомиллаштириш билан шуғулланган олимларнинг илмий-тадқиқот ишланмалари натижалари бўйича адабиёт манбаларининг аналитик таҳлили келтирилган.

Лойиҳалаш жараёнини такомиллаштиришдаги маълум ютуқларга қарамай, болалар кийимини, хусусан, спорт кийимини эргономик лойиҳалашнинг назарий асослари катталар кийимига нисбатан муррақаб масала бўлиб, бугунги кунда тўлиқ ишлаб чиқилмаган. Бу эса қатор сабаблар: мактаб болалари кийими учун алоҳида стандартнинг йўқлиги; лойиҳалашда ёш динамикасини ҳисобга олиш зарурлиги; бир томондан чиройли ва оригинал конструкцияли, иккинчи томондан физкультура машғулотларида боланинг турли интенсив ҳаракатларига тўсиқ бўлмайдиган сифатли кийимни лойиҳалаш масаласининг комплекс ечимини ва системали ёндошувни етарли қўлланмаганлиги билан изоҳланади.

Ушбу диссертация иши юқори гигиеник хусусиятли болалар спорт кийимини лойиҳалаш жараёнининг умумий тузилишига эргономик аспектиларни мослаб киритиш йўли билан лойиҳалашдаги камчиликларни йўқотишга қаратилган. Болалар кийимини лойиҳалашнинг турли илмий-техник масалаларини узвий равишда ечиш маҳаллий хомашё асосида тўқимачилик материалларидан импорт ўрнини босувчи рақобатбардош спорт кийимини ишлаб чиқишнинг методологик асосини ташкил қилади.

Диссертациянинг **“Ҳароратни ростлашнинг физиологик жараёнлари хусусиятини назарга олиб мактаб ёшидаги болаларнинг иссиқлик сақловчи спорт кийимини лойиҳалаш”** номли иккинчи боби Ўзбекистон ҳудудлари иқлими кўрсаткичларини назарга олиб, “бола-кийим-ташқи муҳит” системасининг иссиқлик алмашиш жараёнларини моделлаштириш асосида болалар учун иссиқлик сақловчи спорт кийимининг ўртача қалинлигини ҳисоблаш ва лойиҳалаш методини ишлаб чиқишга бағишланган.

Махсус (иссиқлик сақловчи) устки кийим пакетларини турли хил мато қаватлари мажмуидан тузилган кўп қатламли девор шаклида моделлаштириш зарур (1-расм). Кийим пакети элементлари орасида идеал иссиқлик контакти мавжуд ва икки қатламнинг туташувчи юзаларида ҳароратни бир хил деб ҳисоблаб, иссиқлик ўтказувчанликнинг  $\lambda_{\text{эқв}}$  эквивалент коэффициенти учун


(1) ифода олинди. Кўп қаватли деворни  $\Delta$  қалинликдаги бир қаватли ва бир жинсли девор деб ҳисоблаганда иссиқлик ўтказувчанликнинг эквивалент коэффиценти пакет айрим қатламларининг  $\delta_i$  қалинлигига ва уларнинг  $\delta_i/\lambda_i$  термик қаршилиги қийматларига боғлиқ.

$$\lambda_{\text{эқв}} = \frac{\Delta}{\frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3}} = \frac{\delta_1 + \delta_2 + \delta_3}{\frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3}} = \frac{\sum_{i=1}^n \delta_i}{\sum_{i=1}^n \frac{\delta_i}{\lambda_i}}. \quad (1)$$


Иссиқлик ушловчи кийимни лойиҳалашда кўп қаватли материалнинг қалинлигини  $R_c$  суммар термик қаршилиги орқали ҳисоблаш муҳим босқич ҳисобланади. Уни аниқлаш учун астари синтетик тўрдан тайёрланган болалар спорт кийими пакетининг структурали схемаси ишлаб чиқилди (2 – расм, бу ерда  $\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_5$  – “қаттиқ жисм - ҳаво” чегарасидаги динамик чегаравий қатламнинг қилинлиги;  $\delta_{c.c}$  – синтетик тўр қалинлиги;  $\delta_{т.п}$  – трикотаж матонинг қалинлиги;  $\delta_{пр.1}, \delta_{пр.2}$  – 1- ва 2- ҳаво қатламига мос).  $R_c$  ҳарорат қаршилигининг аддиттив хусусиятини ва уни боланинг физиологик кўрсаткичларига (терини  $t_k$  ўртача ҳарорати ва  $q$  иссиқлик оқими) боғланишини кўллаб, трикотаж матонинг  $R_{т.п}$  термик қаршилигини аниқлаш формуласи олинди:

$$R_{т.п} = \frac{t_k - t_b}{q} - \left( \frac{1}{\alpha_1} + \frac{1}{\alpha_2} + \frac{\delta_{c.c}}{\lambda_{c.c}} \right), \quad (2)$$

Бунга кўра трикотаж полотнонинг зарурий қалинлиги  $\delta_{т.п} = R_{т.п} \cdot \lambda_{т.п}$  ни ташкил қилиб (2) формулада:  $\alpha_1 = 6,15 + 4,18\omega$ ,  $\alpha_2 = 9,74 + 0,07\Delta t$  – кийим остидаги қизиган ҳавонинг астарга ва пакетни ташқи юзасидан атроф муҳитга иссиқлик ўтказиш қобилятини кўрсатади,  $\omega = 0,5 \text{ м/с}$  – кийим остидаги фазода ҳавони ҳаракат тезлиги,  $\Delta t$  – пакет ташқи юзаси ҳароратининг атроф-муҳит ҳароратидан фарқи. Келтирилган маълумотлар ҳисобга олинганда термик қаршилиқ қиймати  $R_{т.п} = 0,023 \text{ м}^2 \cdot \text{°C/Вт}$ , пахта-нитронли трикотаж матонинг зарур бўлган қалинлиги эса  $\delta_{т.п} = 1,5 \text{ мм}$  ни ташкил қилади.



1 - расм. Турли жинли кўп қатламли текис девор




2 - расм. Спорт кийими орт бўлаги учун пакет тузилиш схемаси

Трикотаж мато қалинлигининг олинган қиймати пахта ва нитрон иплари аралашмаси характеристикаси, тўқима тури ва халқа параметрлари билан таъминланиши зарур. Ҳисоблаш йўли билан аниқланган матонинг зарурий қалинлиги пахта-нитрон аралашмасидан тўқилган трикотаж мато намуналарига етарли даражада мос келади ва шу сабабли ушбу методни амалда қўллаш тавсия қилинади.

Диссертациянинг **“Иссиқ сақловчи кийимни лойиҳалашда пахта-нитрон толали трикотаж матонинг терни ютиш ва иссиқликни ушлаб қолиш бўйича тажрибавий тадқиқотлари”** мавзусидаги учинчи бобида ишлаб чиқилган методикалар ва пахта-нитронли трикотаж матоларини ўта муҳим гигиеник хоссалари бўлган намлик сиғими ва иссиқлик сақлаш функциясини қиёсий баҳолаш бўйича синов натижалари тақдим қилинган. Матонинг намлик сиғими терни ютиш орқали ўрганилган.

Ушбу методика (3-расм) болани терлаш жараёнида кийим материалининг тана юзаси билан ўзаро таъсир қилгандаги реал шароитни моделлаштириб, энг муҳими, тер эритмасининг намланиш кинетикасини баҳолашга ва кўрилаётган мато учун намлик сиғимининг чегаравий қийматларини аниқлашга имкон беради.



1 – бўш бадан; 2 – сиғим; 3 – терлашни сунъий қоришмаси; 4 – ички кийим материали; 5 – трикотаж мато; 6 – органик ойнали пластик.

**3-расм. Пахта-нитронли трикотаж матони терлашни ютишини оғирлик методида аниқлашни қурилмаси ва тажриба схемаси**

Сорбция, капилляр конденсация ва сув ютиш жараёнларида намунанинг сунъий тер эритмасинишишган намлиги миқдори ўрганилаётган матонинг намлик сиғими кўрсаткичи бўлиб, у  $P_B$  намлик оғирлиги формуласидан топилади:


$$P_B = \frac{m_B - m_C}{m_C} \cdot 100, \% \quad (3)$$

бу ерда  $m_B$  – намунанинг намлангандан кейинги массаси, г;  $m_C$  – намунанинг намланишдан олдинги (дастлабки) массаси, г.

Эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, ҳар қандай тенг шароитда турли ўрилишли матода намлик оғирлигининг абсолют миқдори матонинг юза зичлигига ва ғоваклигига боғлиқ: ғовакликнинг ортиши толанинг суюклик билан контакт юзасини ортиши оқибатида синалаётган матонинг капиллярлик


хоссаларини яхшиланишига ва унинг шимиш қобилиятини ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

4 ва 5-расмларда пахта-нитронли трикотаж мато (ПНТМ) ва материаллар пакети (ПНТМ, ички кийим материали, синтетик тўр) намуналари намлик оғирликлари абсолют ва нисбий кўрсаткичининг уларнинг контакт юзаларини ҳўлланиш вақтига кинетик боғланиши келтирилган. Аниқландики, кулир гладь (80% пахта, 15% нитрон, 5% лайкра) матоси намликни атроф мухитга секин узатиши сабабли яхшироқ иссиқлик сақловчанликка эгадир. Спорт кийими пакетида асосий материал билан бирга 0,2 мм қалинликдаги полиэфир ипли синтетик тўрни қўллаш унинг иссиқлик сақловчанлик хусусиятини оширади.



- 1- футер (80% пахта, 15% нитрон, 5% лайкра);
- 2 – кулир гладь (80% пахта, 15% нитрон, 5% лайкра);
- 3- кулир гладь (95% пахта, 5% лайкра)

**4 - расм. Намуналарда намликни нисбий оғирлигини (терни)  $P_v$  (%)  $t$  контакт вақтига кинетик боғланиши**




- 1 – пахта – нитронли трикотаж мато (ПНТМ);
- 2 – ички кийим материали + ПНТМ;
- 3 – ич кийим материали + синтетик тўр + ПНТМ

**5 - расм. Намуналарда намликни (терни)  $P_v$  абсолют оғирлигини  $t$  контакт вақтига боғлиқланиши**

6-расмда трикотаж матоларда иссиқликни ушлаш хусусиятини аниқлашнинг тажриба схемаси ва намуна шакллари кўрсатилган.

Танада ва ПНТМ намунасининг ташқи юзасида метаболлик иссиқлик таъсирида хосил бўладиган ҳароратни ўлчаш бўйича тажрибалар ўтказилиб, натижаларга Microsoft Excel мухитида ишлов берилган, уларнинг кўриниш графиклари 7-расмда тақдим этилган. Тажрибалар ташқи шароит параметрлари: мухит (ҳаво) ҳарорати 22 °С, намлик - 60 % ўзгармаган ҳолда уч марта такрорланган.




- 1 - намуна; 2 - иссиқликни олиб борувчи жисм; 3 - органик ойнали пластина; 4 - иккита термостарли ўлчаш асбоби 5 - ўлчаш қурилмаси ва 6- компьютерга кириш

**6 - расм. Пахта-нитронли намунани (а) иссиқликни сақлаш хусусиятини аниқлаш тажриба схемаси (б)**

Иссиқлик сақловчи кийимни лойиҳалашда материалларни иссиқлик ушлаш хусусиятини баҳолаш учун биринчи марта  $K_Q$  иссиқликни ушлаш коэффициент таклиф қилинди:

$$K_Q = t_c \cdot (\Delta T / \delta), \text{ мин} \cdot ^\circ\text{C}/\text{мм} \quad (4)$$

бу ерда  $t_c$  – тери юзаси билан тадқиқ қилинадиган материал контакт юзасидаги ҳарорат ( $\Delta T$ ) фарқини мўтадиллаштириш вақти, мин;  $\Delta T/\delta$  – ҳарорат фарқининг материал  $\delta$  қалинлиги бўйича нисбий ўзгариши,  $^\circ\text{C}/\text{мм}$ .



**7 - расм. Тана ва трикотаж мато (футер; пахта - 80%, нитрон – 15%, лайкра – 5%) ҳароратини метаболик иссиқлик таъсирида ўзгаришининг кинетик боғланишини қиёсий баҳолаш**

1 - жадвалда пахта-нитронли трикотаж матонинг иссиқлик ушлаш хоссасини ўрганиш бўйича тажриба натижалари ва (4) формуладан ҳисобланган  $K_Q$  иссиқликни ушлаш коэффициентининг қийматлари келтирилган. Кулир гладь ўрилишли 1,8 мм қалинликдаги ПНТМ намунасининг иссиқлик ушлаш хусусияти бошқалирига нисбатан юқорилиги ( $K_Q=6,8$ ) аниқланди. Шу таркибли футер ўрилишли, аммо қалинлиги гладдан икки марта кам ( $\delta = 0,9\text{мм}$ ) бўлган ПНТМ  $K_Q$  коэффициенти ушбу материал учун 5,32га тенг. Ушбу ҳолат асосида футер тўқимани муайян шаротга мос иссиқлик сақловчи кам вазнли кийим тайёрлаш учун (айниқса болаларга) тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Болалар функционал спорт кийимини эргономик лойиҳалаш усуллари тақомиллаштириш ва ахборот-методик базасини ишлаб чиқиш**» мавзусидаги тўртинчи бобида болалар спорт кийимини эргономик лойиҳалашнинг методологик асослари бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Бунда шундай муҳим аспектлар: кийимни статик мувофиқлигини таъминлаш учун замонавий антропометрик тадқиқот берилганлиги; болаларни асосий ўлчамлари аломатларининг динамикаси ва шу асосда қўшилишни ҳисоблаш методикаси; ўлчаш аломатларини интенсив динамик ўсишини келтириб чиқарувчи ҳаракатнинг эргономик турларини классификацияси кўриб чиқилган.

Тошкент шаҳрининг 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалари гавдасини ўлчашни тажриба натижаларини Microsoft Excel мухитда қайта ишлаш натижасида болалар ва ўсмирларни ёшга боғлиқ етакчи ўлчам аломатларини

( $T_{16}$  гавда узунлиги,  $T_{16}$  кўкрак қамрови,  $T_{18}$  белни қамрови) бошланғич ўлчам аломатларини ўсиш қийматларининг математик ва график боғланишлари олинди.

1-жадвал

**Пахта-нитронли трикотаж матоларини иссиқликни ушлаш хусусиятини тажриба тадқиқотларини берилиши**

№ т. р.	Ўрилиш тури	Хомашё таркиби, %			Қалинлиги $\delta$ , мм	Ҳарорат фарқи $\Delta T$ , °С	Стабиллаш вақти $t_c$ , мин	Иссиқликни ушлаш хусусияти $K_Q$ , мин·°С/мм
		пахта	нитрон	лайкра				
1	Футер	80	15	5	0,9	0,5000	9,58	5,32
2	Ластик 2+1	80	15	5	2,8	1,0625	10,1	3,83
3	Кулир глад	80	15	5	1,8	1,4375	8,52	6,8
4	Кулирлаш глад	95	-	5	1,6	1,3125	6,53	5,36
5	Футер	85	-	15	1,1	0,6250	7,73	4,39

Масалан, гавданинг узунлигини, кўкракнинг ва белнинг қамровларини (см) олтинчи даражали полином кўринишидаги боғланишлари олинди:

$$y = 0,0004x^6 - 0,0328x^5 + 0,6667x^4 - 5,87x^3 + 24,831x^2 - 47,659x + 36,544 \quad (5)$$

$$y = 0,0049x^6 - 0,1616x^5 + 2,046x^4 - 12,479x^3 + 37,492x^2 - 50,05x + 24,622; \quad (6)$$

$$y = -0,0052x^6 + 0,1388x^5 - 1,3669x^4 + 6,1223x^3 - 12,057x^2 + 8,0031x + 2,1111 \quad (7)$$

Болаларнинг, шунингдек спорт кийимини мураккаблиги мактаб болаларини бўй жараёнларини фаоллиги сабабли катта ахамиятга эга бўлган конструктив қўшилиш катталигини ҳисоблаш методини танлаш билан олдиндан аниқланади.  $\Pi_{вд}$  ёш динамикасига қўшилишни ҳисоби махсулотни  $CC_i$  хизмат қилиш муддатини ҳисоблашга боғлиқ. Махсулотнинг  $CC_i$  хизмат қилиш муддатини ҳисоблаш асоси тикув саноатида болалар кийимини лойиҳалашда қабул қилинган одатдаги кийимлардан фойдаланиладиган  $\Delta T_i$  фарқсиз интерваллари ҳисобланади. Аммо турли мамлакатларни ўлчам стандартлари кийим номерлари оралигида турли ўлчам интерваллари билан характерланади. Бунда интервал фарқсизлиги катталигига ўлчам аломатларини қиймати, махсулотнинг фасони, материалларнинг деформацион хусусияти ва бошқалар таъсир қилади.

Ишда таклиф қилинган  $\Pi_{вд}$  ёш динамикасига рационал қўшилишини ҳисоблаш методи (8) ва (9) боғланишларга асосланади:

$$\Pi_{\infty} = CC \cdot P(t), \quad (8)$$

бу ерда  $CC$  – махсулотнинг хизмат қилиш муддати;  $P(t)$  – ўлчам аломатини йиллик ўсиши.

$$\Pi_{\infty} = \Delta T_i^{j \dots (j+1)} + k \cdot \Delta T_i^{(j+1) \dots (j+2)}, \quad (9)$$

бу ерда  $\Delta T_i^{j \dots (j+1)}$  –  $i$ -нчи ўлчам аломатини тўлиқ  $j \dots (j+1)$  ёш интервали давомида йиллик ўсиши;  $k$  – кейинги ёш интервалининг қисми;  $\Delta T_i^{(j+1) \dots (j+2)}$  –  $(j+1) \dots (j+2)$  ёш интервалдан кейинги  $i$ -нчи ўлчам аломатини йиллик ўсиши.

Хусусан, ота-оналардан сўрашда аниқланган болалар кийимини ўртача хизмат муддати бир календар йилдан ошмаганда амалдаги хизмат кўрсатиш



муддати кийимни мавсумий вақти ва уни лойиҳалашга сарфланган вақтидан иборат. Бунда  $P_{вд}$  таклиф қилинган формуладан ҳисобланади:

$$P_{вд} = \Delta T_i^{опр} \cdot (S + t_{проект}), \quad (10)$$

бу ерда  $\Delta T_i^{опр}$ - махсулот узунлигини ёки унинг қисмини аниқловчи ўлчам аломатларини йилларда ўзгариши;  $S$  – болалар кийимини эксплуатацияси мавсумийлиги, йил;  $t_{проект}$  – болалар кийимини лойиҳалаш учун сарфланган вақт, йил.

Ўзбекистон регионидан иссиқликдан химоялаш спорт кийимини  $S$  мавсумийлиги 7 ойдан яъни 0,58 йилдан ортиқ бўлмайди. Техник вазифани қабул қилишдан тайёр махсулотни чиқаришгача бўлган даврда аниқ вақт ўтади, шунинг учун уни хизмат кўрсатиш муддатини аниқлашда назарга олиш керак, яъни кийимни лойиҳалашга ва чиқаришга сарфланган  $t_{проект}$  вақтни ҳисобга олиш лозим.  $t_{проект}$  вақтни қиймати ҳар бир корхоналар учун ҳар хил бўлиб, уларнинг қуввати ва буюртмалар сонига боғлиқ.

(8), (9) ва (10) формулалар асосида иссиқликдан химоялаш кийимини ойига 100 минг бирликда ишлаб чиқарувчи  $t_{проект}=3$  ой ёки 0,25 йил бўлган ўрта қувватдаги корхоналар учун ёш динамикаси қўшимчасини қайта ҳисоблаш (2-жадвал) амалга оширилди.

2-жадвал

**Кичик мактаб ёшидаги болалар учун иссиқликдан химояловчи спорт кийимида  $P_{вд}$  қўшимчанинг қиймати**

Ёш интервали, йил	Елка кийими								Бел кийими				
	Изменения длины частей тела по годам, см		$P_{вд}$ қалинлиги, см						Йиллар давомида оёқ узунлигини ўзгариши, см	формулаларда шимнинг узунлигига, см $P_{вд}$ катталиги			
	тана	қўллар	формулалар бўйича махсулот узунлигига			формулалар бўйича енг узунлигига							
			(11)	(12)	(13)	(11)	(12)	(13)	(11)	(12)	(13)		
7-8	0,4	2,4	0,5	0,6	0,3	3,1	2,6	2,0	4,3	5,6	5,0	3,6	
8-9	0,6	0,6	1,1	1,5	0,5	1,1	1,8	0,5	2,3	4,3	3,0	1,9	
9-10	1,1	1,4	1,9	2,5	0,9	2,4	3,6	1,2	0,8	1,4	4,6	0,7	
10-11	1,9	3,1	4,6	4,4	1,6	7,5	7,1	2,6	5,3	12,8	11,5	4,4	

$P_{вд}$  ёш динамикасига қўшимчани рационал қиймати ва ўлчам аломатларини динамик ўсиши уни мактаб ёшидаги болаларнинг ўлчам характеристикаларига мослашуви, айниқса болаларни жисмоний тарбия машғулотларида комплекс характерли ҳаракатлари бажаришида муҳим бўлиб, конструкцияни эргономиклигининг асосини ташкил қилади.

Ишда асосий ўлчам аломатларини динамик мослигини эргономик тадқиқотлари бажарилган. Бунинг учун кичик ёшдаги мактаб болаларини гавда ҳаракатини жисмоний тарбия машғулотлари учун характерли бўлган хусусиятлари ўрганилди ва эргономик схемалар тузилди. Ўлчам аломатларини



катта динамик ўсишини келтириб чиқарувчи ва қўшимча ҳаракатлар турини келтириб амалдагилардан фарқ қиладиган ҳаракатлар турининг классификацияси ишлаб чиқилди.

Баъзи ўлчам аломатлари учун динамик ўзгаришлар бўйича 3-жадвалда келтирилганлардан болаларнинг спорт кийимларини ишлаб чиқишда фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

3-жадвал

**Кичик мактаб ёшидаги бола гавдасининг статик ва динамик ҳолдаги ўлчам аломатларини қийматлари**

№ т.р.	ГОСТ 17917-86 бўйича ўлчаш номери ва ўлчам аломатлари	Ўлчам аломатларининг қийматлари				Динамик ҳолатлар
		X <sub>i</sub> (S), см	X <sub>i</sub> (d), см	ΔX <sub>i</sub> , см	D <sub>i</sub> , %	
1	16, кўкрак қамров учинчи	54,5	59,2	4,7	8,62	тўлиқ нафас олиш
			59,7	5,2	9,54	қоллар юқорига кўтарилганда
2	18, бел қамрови	60,2	62,5	2,3	3,82	ўтирган ҳолат
3	36, бел олдини узунлиги	31,3	33,7	2,4	7,67	тўлиқ нафас олиш
			32,8	1,5	4,72	бош ва корпусни орқага оғиши
4	41, елка қия баландлиги	30,2	31,7	1,5	4,97	гавдани олдинга оғиши
5	45, кўкрак кенглиги	33,0	35,3	2,3	6,97	қўллар ёйилган ҳолда
			34,5	1,5	4,55	қўл бош орқасида
6	46, белни кенглиги	32,0	35,2	3,2	10,0	қўллар олдинга чўзилган
			36,3	4,3	13,4	бадан олдинга оған ҳолда
			33,2	1,2	3,75	столга ўтиришда


Енгил деформацияланадиган пахта-нитронли трикотаж матодан мактаб ёшидаги кичик болаларнинг спорт кийимини лойиҳалашда маҳсулотдаги динамик самаранинг роли газламага нисбатан катта чўзилувчанлиги ва эластиклиги сабабли сезиларли камаяди.

